



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **25** yil « **24** » **iyul**

№ **466**

Toshkent sh.

Пахта хомашёси етиштириш харажатларини муқобил манбалар ҳисобидан молиялаштириш ва самарали фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хомашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 17 январдаги ПФ–7-сон Фармони ҳамда “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПК–131-сон қарорига мувофиқ пахта хомашёсини етиштириш харажатларини муқобил манбалар ҳисобидан молиялаштириш ва биржада сотишни рағбатлантириш орқали ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, самарали фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни ҳосил йили якунига қадар қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисмини субсидия сифатида қайтариш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига пахта хомашёсини етиштириш ва харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёси қийматининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Пахта хомашёси етиштириш ва йиғим-теримини молиялаштириш учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ушбу бандда назарда тутилган низомларда белгиланган тадбирларни молиялаштириш харажатлари учун зарур маблағларнинг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминлаш мақсадида Иктисодиёт ва молия вазирлигига тегишли ҳисоб-китобларни тақдим этиб борсин.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, чорвачилик хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада **ажратилган ёки келгусида ажратиладиган** тижорат кредитларининг 14 фоиз пунктдан юқори, бироқ 10 фоиз пунктдан ошмаган қисми Давлат бюджетидан субсидия сифатида қоплаб берилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатлари истеъмол қилган электр энергиясининг камида 60 фоизи муқобил энергия манбаларидан қопланганда, ушбу корхоналарга электр энергияси харажатларининг бир қисмини қоплаш учун белгиланган тартибда ажратиладиган субсидиялар ажратилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

қишлоқ хўжалиги субъектлари, шу жумладан, чорвачилик хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банкларининг миллий валютада ажратган кредитларининг 14 фоиз пунктдан юқори, бироқ 10 фоиз пунктдан ошмаган қисмини қоплаб бериш тартиби;

қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан экинларни суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатлари истеъмол қилган электр энергиясининг камида 60 фоизи муқобил энергия манбалари ҳисобидан қопланганда, ушбу корхоналарга электр энергияси харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидияларни тўхтатиш юзасидан амалдаги қонунчилик хужжатларига ўзгартириш киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда бир ҳафта муддатда қишлоқ хўжалиги субъектларига, шу жумладан, чорвачилик хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат кредитлари ажратишни йўлга қўйиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йилнинг 10 августига қадар “Subsidiya.mf.uz” порталининг Солиқ қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси, шунингдек, тижорат банкларининг дастурий таъминотлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

Бунда ушбу порталга интеграция қилинган ахборот тизимлари орқали киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли вазирлик ва идоралар масъул этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда тижорат банклари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” июлдаги 466 -сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат
кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада
сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура
қийматининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ташкилий-ҳукуқий шаклидан қатъи назар, пахта хомашёсини етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги субъектларига (пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари бундан мустасно) ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоизини қоплаб бериш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Бунда субсидиялар биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда харид қилинган ҳамда Солиқ қўмитасининг базасида рўйхатга киритилган электрон ҳисобварақ-фактура бўйича расмийлаштирилган пахта хомашёси учун ажратилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

биржа – Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси;

субсидия – қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоизини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бир марталик ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчи – ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда фьючерс, форвард ва спот шартномалари орқали биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда сотган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, пахта хомашёсини етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги субъектлари;

“Subsidiya.mf.uz” портали – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мақсадли ажратиладиган субсидияларни олиш учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, субсидия ажратиш, реал вақт режимида назорат қилиш билан боғлиқ амалиётлар бажариладиган Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими;

электрон ҳисобварақ-фактура (кейинги ўринларда – ЭХФ) – маҳсулот (пахта хомашёси) сотилгани ва сотиб олинганини тасдиқловчи ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат.

3. Ушбу Низомга асосан ажратиладиган субсидия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

Субсидия ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемада ажратилади.

4. Субсидиялар қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда сотганда ҳар ҳосил йилидаги пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган барча ЭХФлар бўйича мавсум якунида умумлаштирилган ҳолда ажратилади.

5. Ушбу Низом талаблари Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган қишлоқ хўжалиги субъектларига татбиқ этилмайди.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш

6. Субсидия олувчи “Subsidiya.mf.uz” портали орқали ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризани тақдим этиш учун белгиланган тартибда идентификациядан ўтади.

7. Субсидия олувчи ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда сотганда расмийлаштирилган ЭХФ қийматининг 10 фоизини қоплашга субсидия олиш

учун “Subsidiya.mf.uz” порталига ўзининг шахсий кабинети орқали қуйидаги маълумотларини киритади:

юримдик шахсининг тўлиқ номи;
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;
почта манзили;
ЭХФ рақамлари ва санаси (интеграция орқали);

банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозитлар ҳисобварағи/23210 махсус ҳисобварағи).

“Subsidiya.mf.uz” порталида субсидия олувчининг қуйидаги маълумотлари автоматик равишда шакллантирилади:

юримдик шахсининг тўлиқ номи;
ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ);
амалга оширилаётган фаолият тури коди (ИФУТ);

пахта хомашёсини сотиш бўйича биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда тузган фьючерс, форвард ва/ёки спот шартномалари рақами, санаси (интеграция орқали);

ЭХФ рақамлари ва санаси (интеграция орқали).

Бунда “Subsidiya.mf.uz” портали пахта хомашёси биржада ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–131-сон қарорининг 8-банди “б” кичик бандида назарда тутилган тартибда сотилганда расмийлаштирилган ЭХФ бўйича маълумотлар хато киритилган ҳолларда субсидия олувчини ҳар бир хатолик бўйича автоматик равишда хабардор қилади.

3-боб. Субсидия олувчининг маълумотларини кўриб чиқиш

8. Субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш ва ариза шаклланиши жараёнида биржа, Солиқ қўмитаси ва тижорат банклари ўзларининг электрон маълумотлар базаси билан интеграциялашган тизим орқали “Subsidiya.mf.uz” порталида автоматик равишда иштирок этувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда – масъул ташкилотлар) ҳисобланади.

9. Масъул ташкилотлар беш иш куни ичида субсидия олувчининг маълумотларини ўзларининг маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқади ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини қуйидаги тартибда электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) орқали тасдиқлайди:

Биржа – пахта хомашёсини харид қилиш учун биржада тузилган шартномаларни, жумладан, уларнинг рақами, санаси ва бекор қилинмаганини тасдиқлайди;

Солиқ қўмитаси – солиқ тўловчининг идентификация рақамини ҳамда биржада тузилган шартномаларга асосан сотилган пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган ЭХФларни ўрганиб чиқади ва ҳаққонийлигини тасдиқлайди;

тижорат банклари – субсидия олувчининг банк реквизитларини (банк бўлими номи, МФО ва ҳисобварағини) солиштириб чиқади ҳамда пахта хомашёси ҳақиқатда қишлоқ хўжалиги субъектининг ўз маблағлари ёки тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирилганини тасдиқлайди.

10. Ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотлар масъул ташкилотлар томонидан тўлиқ тасдиқлангандан сўнг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза “Subsidiya.mf.uz” порталида автоматик равишда шаклланади.

Бунда ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотлар масъул ташкилотларнинг маълумотлар базасида мавжуд бўлмаса ва/ёки номутаносибликлар аниқланса, субсидия олиш учун ариза шаклланмайди.

11. “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига субсидия олувчи ҳамда масъул ташкилотлар жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Субсидиянинг шаклланиши ҳамда уни ажратиш

12. Субсидия олувчи томонидан барча маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига тўлиқ киритилиб, ариза шакллантирилгандан сўнг ажратиладиган субсидия миқдори (ЭХФ қийматининг 10 фоизи) автоматик равишда ҳисоблаб чиқилади.

13. Ажратиладиган субсидия миқдори шакллангандан сўнг беш иш куни ичида субсидия Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар доирасида Жамғарманинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағидан “Subsidiya.mf.uz” портали орқали субсидия олувчининг аризада кўрсатилган ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

14. Қуйидаги ҳолларда субсидия ажратиш рад этилади:

а) субсидия олувчининг ўз аризасига асосан;

б) пахта хомашёси Жамғарманинг имтиёзли кредитлари ҳисобидан етиштирилганда;

в) пахта хомашёси биржа савдолари орқали сотилмаганда;

г) шартнома, ЭХФ ва тўлов ҳужжатлари маълумотлари бир-бирига мос келмаганда;

д) субсидия олувчи томонидан сохта ҳужжатлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганда.

Ушбу бандда келтирилмаган бошқа асослар билан субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

15. “Subsidiya.mf.uz” порталида субсидия олиш учун ариза шаклланмаганда, субсидия олувчи хато ва камчиликларни 30 кун давомида бартараф қилган ҳолда ариза билан қайта мурожаат этиши мумкин.

16. Субсидия олувчи субсидия ажратиш рад этилганидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Субсидия маблағларидан фойдаланиш

17. Субсидия олувчи:

ўз ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини, биринчи навбатда, ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни, шунингдек, ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича юзага келган қарздорликларни сўндиришга йўналтиради. Бунда солиқлар ва мажбурий тўловлар учун олдиндан тўловни амалга оширишга йўл қўйилмайди;

кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, солиқлар ва мажбурий тўловлардан қарздорлик бўлмаганда, маблағлардан эркин фойдаланади;

субсидия олиш учун бир мартадан кўп ариза берганда, ҳар бир аризаси алоҳида кўриб чиқилади ва белгиланган тартибда субсидия тўлаб берилади.

Субсидия олувчининг тижорат кредитлари ва унга ҳисобланган фоиз тўловларидан қарздорлиги бўлмаганда, маблағлар талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозитлар ҳисобварағига ўтказилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги субъектларига
ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари
ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган
ҳолда биржада сотганда расмийлаштирилган
электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг
бир қисмини қоплаб бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат
кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада
сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура
қийматининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Субсидия оловчи	Субсидия олиш учун “Subsidiya.mf.uz” портали орқали аризага ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.	Электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган кундан эътиборан
2-босқич	Масъул ташкилотлар	Субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган маълумотларни ўрганиб чиқади.	5 иш куни ичида
3-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия “ажратиш” ёки “рад этиш” тўғрисида маълумотни автоматик равишда шакллантиради ва субсидия оловчини хабардор қилади.	Автоматик равишда
4-босқич	Жамғарма, Ғазначилик хизмати қўмитаси	Субсидия оловчининг ҳисобварағига субсидия маблағини автоматик равишда ўтказди.	5 иш куни ичида

Қишлоқ хўжалиги субъектларига
ўз маблағлари ҳамда тижорат кредитлари
ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган
ҳолда биржада сотганда расмийлаштирилган
электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг
бир қисmini қоплаб бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат
кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирган ҳолда биржада
сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура
қийматининг 10 фоизини қоплашга субсидия олиш учун**

АРИЗА

Юридик шахс номи: _____
(тўлиқ)

(рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома рақами ва берилган санаси)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ): _____

Амалга оширилаётган фаолият тури коди (ИФУТ): _____

Электрон манзили: _____

Почта манзили: _____

СТИР: _____

Банк МФО: _____, талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган
депозитлар ҳисобварағи/23210 ҳисобварағи: _____

Телефон рақами: _____

(пахта хомашёсини сотиб олган ташкилотнинг номи)

Шартнома рақами: _____, санаси: _____

Шартнома қиймати: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Электрон ҳисобварақ-фактура рақами: _____, санаси: _____

Ўз маблағим ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини
етиштирган ҳолда биржада сотганда расмийлаштирилган электрон
ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоизини қоплаш учун субсидия
ажратишингизни сўрайман.

Электрон имзо (QR-код)

20__ йил “__” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 24 ” июлдаги 466 -сон қарорига
2-илова

**Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни
ҳосил йили якунига қадар қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига
ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисмини
субсидия сифатида қайтариш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитларни ҳосил йили якунига қадар тўлиқ қайтарган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, пахта хомашёсини етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги субъектларига (пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари бундан мустасно) ушбу имтиёзли кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини субсидия сифатида қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

субсидия – пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг 31 декабрига қадар тўлиқ қайтарган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, пахта хомашёсини етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги субъектларига (пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари бундан мустасно) ушбу имтиёзли кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариш учун бир марталик ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчи – пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун имтиёзли кредит олган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, пахта хомашёсини етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги субъектлари (пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари бундан мустасно);

“Subsidiya.mf.uz” портали – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мақсадли ажратиладиган субсидияларни олиш учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, субсидия ажратиш, реал вақт режимида назорат қилиш билан боғлиқ амалиётлар бажариладиган Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими.

3. Ушбу Низомга асосан ажратиладиган субсидия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

Субсидия ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемада ажратилади.

4. Пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини субсидия сифатида қоплаб бериш учун субсидия олувчиларга имтиёзли кредит берган тижорат банкларининг Бош офиси Subsidiya.mf.uz” портали орқали электрон аризаларни юборади.

5. Тижорат банклари пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини субсидия сифатида қоплаб бериш юзасидан аризани юбориш учун тегишли ахборот тизимларининг Subsidiya.mf.uz” порталига интеграция қилинишини таъминлайди.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш

6. Субсидия олувчи пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитларни ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ҳосил йилининг 31 декабрига қадар тўлиқ қайтарган бўлиши керак.

7. Субсидия олувчи пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун олинган имтиёзли кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тўлиқ қайтаргандан сўнг тижорат банкининг Бош офиси Subsidiya.mf.uz” порталига ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризани қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда юборади:

юридик шахснинг тўлиқ номи;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;

почта манзили;

пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредит шартномаси рақами ва санаси, шу жумладан, шартномаости ҳужжатлари;

субсидия олувчининг банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозитлар ҳисобварағи).

Бунда аризалар тижорат банки томонидан ҳар бир кредит олувчи кесимида алоҳида юборилади.

Агарда ушбу бандда келтирилган маълумотлар ахборот тизимида мавжуд бўлмаса ва/ёки номутаносибликлар аниқланса ёхуд субсидия олувчи томонидан тўланиши лозим бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари тўланмаган бўлса, субсидия олиш учун ариза шаклланмайди.

Маълумотлар хато киритилган ҳолларда тижорат банки ҳар бир хатолик бўйича автоматик равишда хабардор қилинади.

8. “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига тижорат банки жавобгар ҳисобланади.

Агар субсидия олувчига тааллуқли маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилмагани аниқланганда, субсидия тўловлари тижорат банки ҳисобидан ундирилади.

3-боб. Субсидия ажратиш ва субсидия маблағларидан фойдаланиш

9. Тижорат банки томонидан барча маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига тўлиқ киритилиб, ариза шакллантирилгандан сўнг ажратиладиган субсидия миқдори (имтиёзли кредит бўйича фоиз тўловининг 4 фоиз пункти) автоматик равишда ҳисоблаб чиқилади.

10. Ажратиладиган субсидия миқдори шакллангандан сўнг беш иш куни ичида субсидия Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар доирасида Жамғарманинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағидан “Subsidiya.mf.uz” портали орқали субсидия олувчининг аризада кўрсатилган ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

11. Қуйидаги ҳолларда субсидия ажратиш рад этилади:

а) субсидия олувчининг ўз аризасига асосан;

б) пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари ҳосил йилининг 31 декабрига қадар тўлиқ тўланмаганда;

в) аввалги йилларда пахта хомашёсини етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитлардан муддати ўтган қарздорлик бўлганда;

г) кредит шартномаси ва тўлов маълумотлари бир-бирига мос келмаганда.

Ушбу бандда келтирилмаган бошқа асослар билан субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

12. “Subsidiya.mf.uz” порталида субсидия олиш учун ариза шаклланмаганда, тижорат банки хато ва камчиликларни 30 кун давомида бартараф қилган ҳолда ариза билан қайта мурожаат этиши мумкин.

13. Субсидия олувчининг солиқлар ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаганда, субсидия маблағларидан эркин фойдаланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни ҳосил йили якунига қадар қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисмини субсидия сифатида қайтариш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни
ҳосил йили якунига қадар қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига
ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисмини
субсидия сифатида қайтариш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тижорат банки	“Subsidiya.mf.uz” портали орқали аризага Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.	Имтиёзли кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари қайтарилгандан сўнг ҳосил йилидан кейинги йилнинг 31 январигача
2-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган маълумотлар автоматик равишда кўриб чиқилади.	5 иш куни ичида
3-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия “ажратиш” ёки “рад этиш” тўғрисида маълумотни автоматик равишда шакллантиради ва тижорат банкини хабардор қилади.	Автоматик равишда
4-босқич	Жамғарма, Ғазначилик хизмати кўмитаси	Субсидия олувчининг ҳисобварағига субсидия маблағини автоматик равишда ўтказди.	5 иш куни ичида

Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган
имтиёзли кредитларни ҳосил йили якунига қадар
қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига ушбу
кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир
қисмини субсидия сифатида қайтариш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни
ҳосил йили якунига қадар қайтарган қишлоқ хўжалиги субъектларига
ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини
субсидия сифатида қайтариш учун**

АРИЗА

Юридик шахс номи: _____
(тўлиқ)

_____ (рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома рақами ва берилган санаси)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ): _____

Амалга оширилаётган фаолият тури коди (ИФУТ): _____

Электрон манзили: _____

Почта манзили: _____

СТИР: _____

Банк МФО: _____, талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган
депозитлар ҳисобварағи/23210 ҳисобварағи: _____

Телефон рақами: _____

Кредит шартномаси рақами: _____, санаси: _____

Кредит шартномаси қиймати, фоизи: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Субсидия сифатида қоплаб бериладиган имтиёзли кредит бўйича тўланган
фоиз тўловининг 4 фоиз пункти миқдори: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни
20__ ҳосил йилининг якунига (31 декабрга) қадар сўндирилгани сабабли
ушбу кредит бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоиз пунктини субсидия
сифатида қайтаришингиз сўралади.

**Тижорат банки бошқаруви
раиси ўринбосари**

Электрон имзо (QR-код)

20__ йил “__” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” июлдаги 466 -сон қарорига
3-илова

**Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш
занжирига эга тўқимачилик корхоналарига пахта хомашёсини
етиштириш ва харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича
фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

субсидия – ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун 12 ойгача муддатга ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловининг 14 фоиз пунктидан юқори, бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,8 бараваригача бўлган қисмини қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчи – тижорат кредитлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштирган ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилган пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари;

“Subsidiya.mf.uz” портали – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мақсадли ажратиладиган субсидияларни олиш учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, субсидия ажратиш, реал вақт режимида назорат қилиш билан боғлиқ амалиётлар бажариладиган Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими.

3. Ушбу Низомга асосан ажратиладиган субсидия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

Субсидия ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемада ажратилади.

4. Субсидия тижорат банкининг кредит тўлови графигига асосан ойма-ой ажратилади.

5. Ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун 12 ойгача муддатга ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловининг 14 фоиз пунктдан юқори, бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,8 бараваригача бўлган қисмини қоплаб бериш учун субсидия олувчиларга кредит берган тижорат банкларининг Бош офиси “Subsidiya.mf.uz” портали орқали электрон аризаларни юборади.

6. Тижорат банклари ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича тўланган фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш юзасидан аризани юбориш учун тегишли ахборот тизимларининг “Subsidiya.mf.uz” порталига интеграция қилинишини таъминлайди.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш

7. Субсидия олувчи ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун олган тижорат кредитининг асосий қарзи ҳамда унга ҳисобланган фоиз тўловининг 14 фоиз пунктини кредит тўлови графигига асосан тўлиқ тўлаган бўлиши керак.

8. Субсидия олувчи ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун олган тижорат кредитларининг асосий қарзи ҳамда унга ҳисобланган фоиз тўловининг 14 фоиз пунктини кредит тўлови графигига асосан тўлиқ тўлагандан сўнг тижорат банкининг Бош офиси “Subsidiya.mf.uz” порталига ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризани қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда юборади:

юридик шахснинг тўлиқ номи;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

пахта хомашёсини етиштириш ҳамда харид қилиш учун олинган тижорат кредити шартномаси рақами ва санаси, шу жумладан, шартномаости ҳужжатлари;

кредит тўлови графиги;

банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва 23210 махсус ҳисобварағи)

Бунда аризалар тижорат банки томонидан ҳар бир кредит олувчи кесимида алоҳида юборилади.

Агарда ушбу бандда келтирилган маълумотлар ахборот тизимида мавжуд бўлмаса ва/ёки номуносибликлар аниқланса ёхуд субсидия олувчи томонидан кредит тўлови графигига асосан тўлниши лозим бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари тўланмаган бўлса, субсидия олиш учун ариза шаклланмайди.

Маълумотлар хато киритилган ҳолларда тижорат банки ҳар бир хатолик бўйича автоматик равишда хабардор қилинади.

9. “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига тижорат банки жавобгар ҳисобланади.

Агар, субсидия олувчига тааллуқли маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилмаганлиги аниқланганда, субсидия тўловлари тижорат банки ҳисобидан ундирилади.

3-боб. Ариза шаклланиши ҳамда субсидия ажратиш

10. Тижорат банки томонидан барча маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига тўлиқ киритилиб, ариза шакллантирилгандан сўнг ажратиладиган субсидия миқдори (тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловининг 14 фоиз пунктдан юқори, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 1,8 барабаригача бўлган қисми) автоматик равишда ҳисоблаб чиқилади.

11. Ажратиладиган субсидия миқдори шакллангандан сўнг беш иш куни ичида субсидия Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар доирасида Жамғарманинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағидан “Subsidiya.mf.uz” портали орқали субсидия олувчининг аризада кўрсатилган ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

12. Қуйидаги ҳолларда субсидия ажратиш рад этилади:

- а) субсидия олувчининг ўз аризасига асосан;
- б) олинган тижорат кредити муддати 12 ойдан кўп бўлганда;
- в) тижорат кредитининг асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоиз тўловининг 14 фоиз пункти кредит тўлови графигига асосан ҳар ойда тўлиқ тўланмаганда;
- г) кредит шартномаси ва тўлов маълумотлари бир-бирига мос келмаганда.

Ушбу бандда келтирилмаган бошқа асослар билан субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

13. “Subsidiya.mf.uz” порталида субсидия олиш учун ариза шаклланмаганда, тижорат банки хато ва камчиликларни 5 иш куни ичида бартараф қилган ҳолда ариза билан қайта мурожаат этиши мумкин.

4-боб. Субсидия маблағларидан фойдаланиш

14. Субсидиялар тижорат банки томонидан ажратилган кредитларга ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилади.

15. Субсидия ҳисобидан қайтариладиган кредит фоизларининг ҳисоби тижорат банклари томонидан 16325-сонли ҳисобварақларда юритилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига пахта хомашёсини етиштириш ва харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига пахта хомашёсини етиштириш ва харид қилиш учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тижорат банки	“Subsidiya.mf.uz” портали орқали аризага Низомнинг 8-бандида келтирилган маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 15-санасигача
2-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган маълумотлар автоматик равишда кўриб чиқилади.	5 иш куни ичида
3-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия “ажратиш” ёки “рад этиш” тўғрисида маълумотни автоматик равишда шакллантиради ва тижорат банкини хабардор қилади.	Автоматик равишда
4-босқич	Жамғарма, Ғазначилик хизмати қўмитаси	Субсидия олувчининг ҳисобварағига субсидия маблағини автоматик равишда ўтказди.	5 иш куни ичида

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда
ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга
тўқимачилик корхоналарига пахта
хомашёсини етиштириш ва харид қилиш учун
ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз
тўловларининг бир қисmini қоплаб бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш
занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ижара ҳуқуқи асосида
берилган ер участкаларида пахта хомашёсини етиштириш ва қишлоқ
хўжалиги субъектларидан пахта хомашёсини харид қилиш учун
ажратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз тўловларининг
бир қисmini қоплаб бериш учун
АРИЗА**

Юридик шахс номи: _____
(тўлик)

(рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома рақами ва берилган санаси)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ): _____

Амалга оширилаётган фаолият тури коди (ИФУТ): _____

Электрон манзили: _____

Почта манзили: _____

СТИР: _____

Банк МФО: _____, 23210 ҳисобварағи: _____

Телефон рақами: _____

Кредит шартномаси рақами: _____, санаси: _____

Кредит шартномаси қиймати, фоизи: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Кредит тўлови графигига асосан тўланган сумма миқдори: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Субсидия сифатида қоплаб бериладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз
тўлови миқдори (14 фоиз пунктдан юқори, бироқ Марказий банк асосий
ставкасининг 1,8 бараваригача қисми): _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Кредит тўлови графигига асосан тижорат кредитлари бўйича фоиз
тўловларининг бир қисmini қоплаб беришингиз сўралади.

**Тижорат банки бошқаруви
раиси ўринбосари**

Электрон имзо (QR-код)

20 ____ йил “ ____ ” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” июлдаги 466 -сон қарорига
4-илова

**Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш
занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан
харид қилинган пахта хомашёси қийматининг бир қисмини
қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан пахта хомашёсини харид қилганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг 8 фоизини қоплаб бериш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Бунда субсидиялар биржада тузилган шартномаларга асосан харид қилинган ҳамда Солиқ қўмитасининг базасида рўйхатга киритилган электрон ҳисобварақ-фактура бўйича расмийлаштирилган пахта хомашёси учун ажратилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

биржа – Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси;

субсидия – пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан пахта хомашёсини харид қилганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг 8 фоизини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бир марталик ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчи – ўз маблағлари ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан пахта хомашёсини харид қилган пахта-тўқимачилик кластери ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналари;

“Subsidiya.mf.uz” портали – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мақсадли ажратиладиган субсидияларни олиш учун ариза бериш, уларни кўриб чиқиш, субсидия ажратиш, реал вақт режимида назорат қилиш билан боғлиқ амалиётлар бажариладиган Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими;

электрон ҳисобварақ-фактура (кейинги ўринларда – ЭХФ) – маҳсулот (пахта хомашёси) сотилгани ва сотиб олинганини тасдиқловчи ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура айланиш тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат.

3. Ушбу Низомга асосан ажратиладиган субсидия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

Субсидия ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемада ажратилади.

4. Субсидиялар пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан харид қилинган ҳар ҳосил йилидаги пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган барча ЭХФлар бўйича мавсум якунида умумлаштирилган ҳолда ажратилади.

5. Ушбу Низом талаблари ўз маблағларидан бошқа маблағлар, жумладан, Жамғарманинг имтиёзли кредитлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан пахта хомашёсини харид қилган пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига татбиқ этилмайди.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш

6. Субсидия олувчи “Subsidiya.mf.uz” портали орқали ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризани тақдим этиш учун белгиланган тартибда идентификациядан ўтади.

7. Субсидия олувчи ўз маблағлари ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан пахта хомашёсини харид қилганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг 8 фоизини қоплашга субсидия олиш учун “Subsidiya.mf.uz” порталига ўзининг шахсий кабинети орқали куйидаги маълумотларини киритади:

давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами ва санаси;

юридик шахснинг тўлиқ номи;

ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ);

амалга ошираётган фаолият тури коди (ИФУТ);

солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР);

банк реквизитлари (банк бўлими номи, МФО ва 23210 махсус ҳисобварағи);

электрон манзили (мавжуд бўлса) ва телефон рақами;

почта манзили;

биржада пахта хомашёсини сотиб олиш бўйича тузилган электрон шартномалар рақами ва санаси;

пахта хомашёси хариди ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги тўғрисидаги электрон тўлов ҳужжати (рақами ва санаси);

ЭХФлар рақамлари ва санаси (интеграция орқали).

Бунда “Subsidiya.mf.uz” портали биржада тузилган шартномаларга асосан харид қилинган пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган ЭХФ юзасидан маълумотлар хато киритилган ҳолларда субсидия олувчини ҳар бир хатолик бўйича автоматик равишда хабардор қилади.

3-боб. Субсидия олувчининг маълумотларини кўриб чиқиш

8. Субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш ва ариза шаклланиши жараёнида биржа, Солиқ қўмитаси ва тижорат банклари ўзларининг электрон маълумотлар базаси билан интеграциялашган тизим орқали “Subsidiya.mf.uz” порталида автоматик равишда иштирок этувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда – масъул ташкилотлар) ҳисобланади.

9. Масъул ташкилотлар беш иш куни ичида субсидия олувчининг маълумотларини ўзларининг маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқади ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини қуйидаги тартибда электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) орқали тасдиқлайди:

Биржа – пахта хомашёсини харид қилиш учун биржада тузилган шартномаларни, жумладан, уларнинг рақами, санаси ва бекор қилинмаганини тасдиқлайди;

Солиқ қўмитаси – солиқ тўловчининг идентификация рақамини ҳамда биржада тузилган шартномаларга асосан харид қилинган пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган ЭХФларни ўрганиб чиқади ва ҳаққонийлигини тасдиқлайди;

тижорат банклари – субсидия олувчининг банк реквизитларини (банк бўлими номи, МФО ва ҳисобварағини) солиштириб чиқади ҳамда пахта хомашёси ҳақиқатда пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинганини тасдиқлайди.

10. Ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотлар масъул ташкилотлар томонидан тўлиқ тасдиқлангандан сўнг ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза “Subsidiya.mf.uz” порталида автоматик равишда шаклланади.

Бунда ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотлар масъул ташкилотларнинг маълумотлар базасида мавжуд бўлмаса ва/ёки номутаносибликлар аниқланса, субсидия олиш учун ариза шаклланмайди.

11. “Subsidiya.mf.uz” порталига киритилган маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига субсидия олувчи ҳамда масъул ташкилотлар жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Субсидия шаклланиши ҳамда уни ажратиш

12. Субсидия олувчи томонидан барча маълумотлар “Subsidiya.mf.uz” порталига тўлиқ киритилиб, ариза шакллантирилгандан сўнг ажратиладиган субсидия миқдори (ЭХФ қийматининг 8 фоизи) автоматик равишда ҳисоблаб чиқилади.

13. Ажратиладиган субсидия миқдори шаклландан сўнг беш иш куни ичида субсидия Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия учун ажратилган маблағлар доирасида Жамғарманинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус шахсий ғазна ҳисобварағидан “Subsidiya.mf.uz” портали орқали субсидия олувчининг аризада кўрсатилган ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

14. Қуйидаги ҳолларда субсидия ажратиш рад этилади:

- а) субсидия олувчининг ўз аризасига асосан;
- б) пахта хомашёси Жамғарманинг имтиёзли кредитлари ҳамда тижорат кредитлари ҳисобидан харид қилинганда;
- в) пахта хомашёси биржа савдолари орқали сотиб олинмаганда;
- г) шартнома, ЭХФ ва тўлов ҳужжатлари маълумотлари бир-бирига мос келмаганда;
- д) субсидия олувчи томонидан сохта ҳужжатлар, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганда;
- е) субсидия миқдори ЭХФ қийматининг 8 фоизидан ошганда.

15. “Subsidiya.mf.uz” порталида субсидия олиш учун ариза шаклланмаганда, субсидия олувчи хато ва камчиликларни 30 кун давомида бартараф қилган ҳолда ариза билан қайта мурожаат этиши мумкин.

16. Субсидия олувчи субсидия ажратиш рад этилганидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Субсидия маблағларидан фойдаланиш

17. Субсидия олувчи:

ўз ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини, биринчи навбатда, ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни, шунингдек, ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича юзага келган қарздорликларни тўлашга йўналтиради. Бунда солиқлар ва мажбурий тўловлар учун олдиндан тўловни амалга оширишга йўл қўйилмайди;

кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, солиқлар ва мажбурий тўловлардан қарздорлик бўлмаганда, маблағлардан эркин фойдаланади;

субсидия олиш учун бир мартадан кўп ариза берганда, ҳар бир аризаси алоҳида кўриб чиқилади ва белгиланган тартибда субсидия тўлаб берилади.

Субсидия олувчининг тижорат кредитлари ва унга ҳисобланган фоиз тўловларидан қарздорлиги бўлмаганда, маблағлар талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган депозитлар ҳисобварағига ўтказилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда
ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга
тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари
ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёси
қийматининг бир қисмини қоплаб бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш
занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан
харид қилинган пахта хомашёси қийматининг бир қисмини
қоплаб бериш учун субсидия ажратиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Субсидия олувчи	Субсидия олиш учун “Subsidiya.mf.uz” портали орқали аризага Низомнинг 7-бандида келтирилган маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.	Электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган кундан эътиборан
2-босқич	Масъул ташкилотлар	Субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган маълумотларни ўрганиб чиқади.	5 иш куни ичида
3-босқич	“Subsidiya.mf.uz” портали	Субсидия “ажратиш” ёки “рад этиш” тўғрисида маълумотни автоматик равишда шакллантиради ва субсидия олувчини хабардор қилади.	Автоматик равишда
4-босқич	Жамғарма, Ғазначилик хизмати қўмитаси	Субсидия олувчининг ҳисобварағига субсидия маблағини автоматик равишда ўтказди.	5 иш куни ичида

Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда
ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга
тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари
ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёси
қийматининг бир қисмини қоплаб бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш
занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан
харид қилинган пахта хомашёси қийматининг 8 фоизини қоплашга
субсидия олиш учун
АРИЗА**

Юридик шахс номи: _____
(тўлик)

(рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома рақами ва берилган санаси)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли хос рақами (ТХШ): _____

Амалга оширилаётган фаолият тури коди (ИФУТ): _____

Электрон манзили: _____

Почта манзили: _____

СТИР: _____

Банк МФО: _____, талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган
депозитлар ҳисобварағи/23210 ҳисобварағи: _____

Телефон рақами: _____

(пахта хомашёсини сотиб олган ташкилотнинг номи)

Шартнома рақами: _____, санаси: _____

Шартнома қиймати: _____

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Электрон ҳисобварақ-фактура рақами: _____, санаси: _____

Ўз маблағим ҳисобидан биржада тузилган шартномаларга асосан пахта
хомашёсини харид қилганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-
фактура қийматининг 8 фоизини қоплаб бериш учун субсидия
ажратишингизни сўрайман.

Электрон имзо (QR-код)

20 ____ йил “ ____ ” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” июлдаги 466 -сон қарорига
5-илова

**Пахта хомашёси етиштириш ва йиғим-теримини молиялаштириш учун
ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини
қоплаб бериш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2022–2023 йилларда пахта хомашёсини етиштириш ва йиғим-терими харажатлари учун имтиёзли кредит сифатида ажратилиб, кейин тижорат кредити ставкасида расмийлаштирилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 10 фоизини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом 2026 йилнинг тўртинчи чораги охиригача кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш учун тақдим этиладиган буюртмаларга асосан 2027 йилнинг январь ойи якунига қадар амал қилади.

2. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий соғломлаштириш ва уларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 6 мартдаги 145-сон қарорига 3-иловада келтирилган ҳамда 2022–2023 йилларда пахта хомашёсини етиштириш ва йиғим-терими харажатлари учун имтиёзли кредит сифатида ажратилиб, кейин тижорат кредити ставкасида расмийлаштирилган ва бугунги кунда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерларига (кейинги ўринларда – қарз олувчи) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 22 июлдаги ПФ–103-сон Фармонининг 1-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ молиявий ёрдам олган пахта-тўқимачилик кластерларига татбиқ этилмайди.

3. Кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали қоплаб берилади.

4. Кредитлар бўйича қайтариладиган фоиз тўловларининг ҳисоби тижорат банклари томонидан 16325-сонли ҳисобварақларда юритилади.

5. Кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 10 фоизини қоплаб бериш ушбу Низомга иловага мувофиқ схемада амалга оширилади.

2-боб. Кредитлар бўйича фоиз тўловларини тижорат банкига ажратиш

6. Тижорат банки қарз олувчига 2022–2023 йилларда пахта хомашёсини етиштириш ва йиғим-терими харажатлари учун имтиёзли кредит сифатида ажратилиб, кейин ушбу кредит тижорат ставкасида расмийлаштирилган шартноманинг нусхасини илова қилган ҳолда Жамғармага ёзма равишда мурожаат қилади.

7. Қарз олувчига хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг мурожаатига асосан Жамғарма тижорат банки билан 10 иш куни ичида кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги битимни тузади.

8. Тижорат банки кредит тўлови графигига мувофиқ қарз олувчи томонидан асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ тўлангани тўғрисидаги тасдиқланган маълумотномани ҳамда кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш учун буюртмани Жамғармага тақдим этади. Бунда:

тижорат банки томонидан буюртмалар ҳар чорак якунида тақдим этилади ва тақдим этилган буюртмаларга ўзгартириш киритилмайди;

қарз олувчи томонидан асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўланмаган тақдирда, ушбу тўловлар келгуси чоракдаги тўловлар билан бирга амалга оширилгандан сўнг буюртмага киритилади.

9. Кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига тижорат банки раҳбарлари масъул ва жавобгар ҳисобланади.

10. Жамғармада тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш учун тақдим этилган буюртмаларни ўрганиш юзасидан комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) тузилади.

Комиссия таркиби Жамғарманинг бошқариш департаменти буйруғи билан тасдиқланади.

11. Комиссия тижорат банклари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни 5 иш куни ичида ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижаларига асосан кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия қарорига асосан Жамғарма 3 иш кун ичида тижорат банкини кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш маъқуллангани ёки рад этилгани тўғрисида (асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда) хабардор қилади.

12. Комиссия томонидан қуйидаги ҳолларда кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш рад этилади:

а) тижорат банки томонидан қарз олувчига пахта хомашёси харидининг якуний ҳисоб-китоби учун кредитлар ажратилганда;

б) фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг ва/ёки ундан паст бўлганда;

в) хорижий валютада ажратилганда;

г) тижорат кредитлари 2022–2023 йиллардан бошқа йилда пахта хомашёсини етиштириш ва йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилганда.

Ушбу бандда келтирилмаган бошқа асослар билан субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Қабул қилинган қарорга асосан Жамғарма 3 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига буюртмаларни умумлаштирган ҳолда тақдим этади.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги буюртмаларда қайд этилган маблағларни 3 иш кунидан кечиктирмасдан Жамғарманинг ҳисобварағига ўтказиб беради.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан маблағлар ўтказиб берилгандан сўнг, Жамғарма 3 иш куни ичида кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги битимга мувофиқ кредит фоизини тегишли тижорат банкининг ҳисобварағига ўтказди.

3-боб. Кредит фоизини мақсадли сарфлаш

16. Кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш кредитлар тижорат ставкасида расмийлаштирилган муддатдан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда қолдиқ қарз суммасига нисбатан ҳисобланади.

Бунда кредит тўлови графиги бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг фоиз тўловларини қоплашга йўл қўйилмайди.

17. Кредитлар бўйича фоиз тўловлари тижорат банкига ҳар чоракда кейинги ойнинг 15-санасигача тақдим этилган буюртмалар бўйича ҳисобланган жорий фоизлар миқдорида қоплаб берилади.

18. Тижорат банки 1 иш куни ичида Жамғарма томонидан кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун ўтказилган маблағларни қарз олувчининг ҳисобланган кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплашга йўналтиради.

19. Кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловлари суммаси қарз олувчига ҳисобланган фоиз тўловлари миқдоридан кўп бўлганда, тижорат банки ортиқча маблағни 2 иш кунидан кечиктирмасдан Жамғармага қайтаради.

20. Қуйидаги ҳолларда кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш тўхтатилади:

тижорат кредити ставкасида расмийлаштирилган кредитнинг фоиз ставкаси тўғрисидаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланганда;

тижорат банкининг кредит фоизини қоплаб беришни бекор қилиш тўғрисидаги мурожаати мавжуд бўлганда;

кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаб бериш мақсадида ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилганда.

Мақсадсиз фойдаланилган кредитлар бўйича фоиз тўловлари битим шартларига асосан Жамғармага қайтарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

21. 2022–2023 йилларда пахта хомашёсини етиштириш ва йиғим-терими харажатлари учун имтиёзли кредит сифатида ажратилиб, кейин тижорат кредити ставкасида расмийлаштирилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 10 фоизини қоплаб бериш мақсадида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта хомашёси етиштириш ва йиғим-теримини
молиялаштириш учун ажратилган кредитлар
бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Пахта хомашёси етиштириш ва йиғим-теримини молиялаштириш учун
ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини
қоплаб бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тижорат банки	Кредит тижорат ставкасида расмийлаштирилган шартноманинг нусхасини илова қилган ҳолда Жамғармага ёзма равишда мурожаат қилади.	2026 йилнинг IV чораги якунига қадар
2-босқич	Тижорат банки	Жамғарма билан қарз олувчининг кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги битимни тузади. Кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш учун Жамғармага буюртмалар тақдим этади.	10 иш куни ичида Ҳар чорак якунида
3-босқич	Жамғарма	Тижорат банки томонидан тақдим этилган буюртмаларни кўриб чиқади. Буюртмаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади.	5 иш куни ичида 3 иш куни ичида
4-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Буюртмаларда қайд этилган маблағларни Жамғарманинг ҳисобварағига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
5-босқич	1. Жамғарма 2. Тижорат банки	1. Кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги битимга мувофиқ кредит фоизини тегишли тижорат банкининг ҳисобварағига ўтказади. 2. Жамғарма томонидан кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун ўтказилган маблағларни қарз олувчининг ҳисобланган кредитлар бўйича фоиз тўловларини қоплашга йўналтиради. Кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловлари суммаси қарз олувчига ҳисобланган фоиз тўловлари миқдоридан кўп бўлганда, ортиқча маблағни Жамғармага қайтаради.	3 иш куни ичида 1 иш куни ичида 2 иш кунидан кечиктирмасдан
6-босқич	Давлат молиявий назорати инспекцияси	Кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилади.	2027 йилнинг январь ойи якунига қадар

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “24” июлдаги 466 -сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорининг 6-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“2023–2025 йилларда тайёр ҳолда импорт қилинган янги замонавий ғалла ўриш комбайнлари ва пахта териш машиналари ҳамда улар билан агрегатлашган ҳолда ишлатиладиган тракторларни қишлоқ хўжалиги субъектларига имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш Жамғарма томонидан амалга оширилади;

Жамғарманинг имтиёзли қарз маблағлари ҳисобидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган субсидиялар қўлланмайди”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 14-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Истеъмолчилар ер майдонини суғоришда ёндош (бошқа) туманнинг электр тармоқлари орқали суғорганда, ушбу туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари жойлашган туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғига фойдаланилган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади”;

б) 17-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“пахта хомашёси ва ғалла етиштиришда насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Ягона биллинг тизими ва Солиқ қўмитасининг “Е-factura” ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштиради”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Agro-subsidiya” ахборот тизими “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Ягона биллинг тизими ва Солиқ қўмитасининг “E-factura” ахборот тизими билан интеграция қилинади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 571-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 11-бандида:

“а” кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи – ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасида озик-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келган тақдирда, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

озик-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқади;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни амалга оширади;

озик-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради”;

ўн биринчи хатбоши ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

“б” кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёси бозорини барқарорлаштиришга, озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархларининг ўзгарувчанлигини, шунингдек, уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хомашё етиштиришни ривожлантириш, шунингдек, озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёси нархлари ўсишининг олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлайди”;

“давлат захирасини ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини ташкил этиш механизмларини такомиллаштиради”;

учинчи – ўн учинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

“б¹” кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“келгуси йил учун озиқ-овқат балансини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

“б²” кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“келгуси йил учун ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг прогноз ҳажмларини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши юзасидан чора-тадбирларни кўради, аҳолини ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли ва узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси ассортиментини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади”;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

“з” кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги майдонларини кенгайтиришга ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни камайтиришга қаратилган илмий ишланмаларни ишлаб чиқади”;

еттинчи – ўн тўртинчи хатбошилари тегишлича саккизинчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги 130-сон қарорида:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти Тошкент шаҳрининг, Яккасарой тумани Шота Руставели кўчасида жойлашган 8-уй манзилидаги бинога иккиламчи ижара тўловларини амалга ошириш шarti билан жойлаштирилсин”;

б) 2-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Тижорат банки буғдой етиштириш харажатларини кредитлаш учун ҳар ой Жамғармага кредит буюртманомаларини тақдим этади”;

7-банднинг “а” кичик банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“экилган уруғлик буғдойнинг мувофиқлик сертификати нусхаси”.

в) 3-иловада:

номидаги ва 1-банддаги “мойли ва шоли” сўзлари “мойли, шоли ва озуқабоп” сўзларига алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги мазмундаги “д” кичик банди билан тўлдирилсин:

“д) озуқабоп экинларни етиштириш харажатларини кредитлаш тўғрисидаги битим экиш мавсуми бошлангунга қадар (ҳосил йилида) тузилади”;

4-банднинг учинчи хатбошисидаги “мойли ва шоли” сўзлари “мойли, шоли ва озуқабоп” сўзларига алмаштирилсин;

5-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“озуқабоп экинларни етиштириш харажатларини кредитлаш учун ҳар бир гектарга 15 миллион сўмгача, Марказий банкнинг йиллик асосий ставкасидан 2 пункт пасайтирилган фоизда 6 ой муддатга”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “сабзавот” сўзи “мева-сабзавот” сўзларига алмаштирилсин;

13-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“озуқабоп экинларни етиштириш харажатларини кредитлаш учун ҳар бир гектарга 15 миллион сўмгача, Марказий банкнинг йиллик асосий ставкасида (шундан банк маржаси 2 фоиз) 6 ой муддатга”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

1-иловада:

белгисидаги “дуккакли ва мойли” сўзлари “дуккакли, мойли, шоли ва озуқабоп” сўзларига алмаштирилсин;

номидаги “мойли ва шоли” сўзлари “мойли, шоли ва озуқабоп” сўзларига алмаштирилсин;

1-босқич позицияси “Муддати” устунидаги “Ҳар ойнинг 5-санасига қадар” сўзлари “Ҳар ойда” сўзларига алмаштирилсин;

7 ва 8-босқич позициялар “Муддати” устунидаги “9 ой” сўзлари “Экин тури бўйича 6 ой ва 12 ой” сўзларига алмаштирилсин;

2-илованинг белгисидаги “дуккакли ва мойли” сўзлари “дуккакли, мойли, шоли ва озуқабоп” сўзларига алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги 227-сон қарори билан тасдиқланган Ички бозорда буғдой нархи барқарорлигини таъминлаш учун буғдойни харид қилиш ва биржа савдолари орқали сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги “2024 йил 1 октябрга қадар” сўзлари “2025 йил 1 октябрга қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “2024 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 11 июндаги 325-сон қарорининг 8-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Уруғлик буғдой тайёрлаш корхоналарига 2023–2024 йиллар ҳосилидан уруғлик буғдойни харид қилиш, тайёрлаш ва суғурта тўловлари учун Жамғармадан ажратилган қарз маблағларини қайтариш муддати, истисно тариқасида, 2025 йил 1 октябрга қадар узайтирилади”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “2025 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва ички бозорни дон билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 31 майдаги 345-сон қарорининг 14-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Жамғармага донни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш жараёнини, шунингдек, Жамғарма, тижорат вакили ва буғдой етиштирувчилар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китобларнинг тезкор ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “d-xarid.uz” ахборот тизимини “Realsoft” масъулияти чекланган жамиятидан тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат берилсин”.

